

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЗООТЕХНИЯ ФАКУЛТЕТИ

ЗООТЕХНИЯ КАФЕДРАСИ

562600-Зоотехния (тармоқлар бўйича) йўналиши
4-93 гуруҳ талабаси

Б.Раимбеков

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Тошкент вилояти Янгийўл паррандачилик фабрикасида
урчитилаётган серпушт товукларини тухум ва гўшт
маҳсулдорлигини таҳлили**

Илмий раҳбари: Н.Т.Шоймуродов

“Битирув малакавий иши кўриб чиқилди ва ҳимойага кўйилди”

Зоотехния кафедрасининг муздари, доцент А.Х.Холматов	Зоотехния факултети декани, доцент
_____ А.Х.Холматов	_____ У.Ш.Балласов
“ ____ ” _____ 2013 й.	“ ____ ” _____ 2013 й.

ТОШКЕНТ – 2013

Мундарижа

Кириш.....	3
II. Адабиётлар шарҳи.....	5
III. Шахсий қисм.....	14
3.1. Янгийўл паррандачилик фабрикаси таърифи ва иқтисодий фаолияти.....	14
IV. Хусусий қисм.....	20
4.1. Тадқиқот манбаси, мақсади вазифалари ва қўлланилган услублар..	20
4.2. Кузатув натижалари ва шарҳи.....	25
4.2.1. Родонит-3 кросси товуқларини асраш ва озиклантириш шароити.	25
4.2.2. Родонит-3 кросси товуқларини етилувчанлиги ва сақланувчанлиги.....	29
4.2.3. Родонит-3 кросси товуқларини тухум маҳсулдорлиги.....	31
4.2.4. Родонит-3 кросси товуқларини тирик вазни ва гўшт маҳсулдорлиги.....	36
V. Янгийўл паррандачилик фабрикасида Родонит-3 кросси товуқларини маҳсулот ишлаб чиқаришини самарадорлиги.....	44
VI. Хулоса.....	46
VII. Тавсия.....	48
VIII. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	49

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов (2009) жаҳон молиявий иқтисодиёти инқирозини ҳаётимизга кириб келишини олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисидаги китоби барча чорвадорлар учун ён дафтарча бўлиб ҳисобланади. Чунончи, бунда Республикамиз Президенти айнан бу инқирозни олдини олишда қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш зарур деган дастурни олдинга сурди ва унинг негизида арзон, сифатли қишлоқ хўжалик ва шахсан чорва маҳсулотларини ишлаб чиқаришни тақозо этади.

Бу ишларни олиб борилиши Республика чорвадорларини самарали ишлашга, сифатли, арзон чорва маҳсулотларини ишлаб чиқаришга чорлайди. Республикамизда чорвачилик изчил ривожланиб келмоқда ва бугунги кунда кўплаб чорвачилик фермер хўжаликлари ташкил этилган ва бу хўжаликларда урчитилаган чорва молларини сони шартли мол ҳисобида 9014, 3 минг бошдан ошган.

Қишлоқ хўжалик соҳасида паррандачилик муҳим ўрин тутди. Чунончи, уни етти хазинани бир деб айтилиши бежиз эмас. Бинобарин бунда соҳани ривожига берилаётган эътибор туфайли янги технологияларни жорий этилиши орқали ривожланиб келмоқда. 2012-йил Республикамизда урчитилаётган паррандалар сони 42818,4 минг бош бўлди ва 2010-йилга (38833,3) нисбатан унинг ўсиш тезлиги 113 фоизни ташкил этди. Паррандачиликни шаклланишида ва ривожланишида фермер (4974,2 минг бош) шунингдек қишлоқ хўжалик корхоналари (12072,9 минг бош) фаоллик қилмоқда ва улар орқали ишлаб чиқарилган тухум сони 2429001 минг донадан ошган ва унинг ўсиши 109,7 фоизни ташкил этди.

Олиб борилаётган ишлар ва эришилган ютуқлар ҳозирда талаб даражасида ва жаҳон бозорига хос эмас. Чунки Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов (1998) таъкидлайдики “Қишлоқ хўжалиги билан

маъсулиятли, юқори малакали раҳбар ва мутахассислар, ўз мамлакатини севадиган, унинг фаровонлиги учун қайғурадиган фидойи инсонлар шуғилланиши зарур”.

Шу боисдан олиб борилаётган ишлар етарли бўлсада чорвачилик соҳасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хали меёр даражада деб бўлмайди ва янги замонавий технологияларни илғор тажрибаларни, ютуқларни ишга солишни тақозо этади.

Ўзбекистонда паррран дачиликни ривожлантириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш учун 70 дан зиёд турли тоифадаги йирик паррандачилик хўжаликлари мавжуд. Бу хўжаликларда юқори маҳсулдор паррандаларни боқиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш деярли йўлга қўйилган ва шаҳар ҳамда туман худуди ахолсини талабини қондириш учун фаолият кўрсатмоқда. Лекин Ўзбекистон ахолисни кўпчилик қисмини қишлоқ шароитида истиқомат қилаётган ахоли бўлиб ҳисобланади ва улар талабини қондириш долзарб бўлиб келмоқда.

Қайд этилган фикрларга кўра сўнги йилларда самарали ишлар олиб борилиши кузатилмоқда. Бинобарин буни стахел фудес обузағон, парранда, обихаёт фермер хўжаликларини ва шахсий ахоли хонадонлар мисолида кўрсатиш мумкин. Республикамизни барча тоифадаги паррандачилик хўжаликларида шароитимизга мослаштирилган ва арзон ҳамда сифатли парранда маҳсулотларини (тухум, гўшт) ишлаб чиқариладиган самарали Ломон-Броун, Хайсекс-Уайт, Хайсекс-Броун, Радонит-2, Радонит-3, Беларус-9, Ук-кубан-123, Заря-17 ва бошқа шулар каби серпушт товуқ турлари урчитилиб келинмоқда. Бу товуқлар бир хўжалик йилида ўрта ҳисобда 280-300 дона тухум беради. 1кг семиришига 2-3 кг, 10 дона тухумга эса 1,7-2 кг озуқа бирлиги сарфлайди.

II. Адабиётлар шархи.

2.1. Паррандаларни махсулдорлигини ва уларни турли омилларга боғлиқлиги.

Паррандачилик, чорвачилик соҳасининг етакчи тармоғи бўлиб аҳоли дастурхонини сифатли махсулотлари (гўшт, тухум) билан таъминлашда муҳим ўрин тутди. Шу боисдан махсулотларни миқдорига ва сифатига таъсир этувчи барча биология ва зоотехния соҳасини олимларини назарини ўзига қаратган.

Қишлоқ хўжалик хайвонлари, жумладан паррандаларни тухум ва гўшт махсулдорлиги жуда кўп омилларга боғлиқ. Л.В.Шаҳнова (1988); С.Г.Азимов (1997) лар олиб борган илмий ишларида, паррандаларни тухум ва гўшт махсулдорлигига ва унинг сифатига таъсир этувчи омиллар ичида энг асосий ўринни озиқлантириш омили эгалагани исботланган.

И.П.Павлов (1951) олиб борган тадқиқотларига асосланиб таъкидлайдики мол ва паррандаларни ташқи муҳит билан боғланувчанлиги маълум кимёвий моддалар орқали ўтади. Бу моддалар хайвон организмига кириб келиши эса уларни турли озуқалар билан озиқланишига боғлиқдир.

В.Г.Имбс (1955) маълумотларига кўра тирик организм, ўзини атрофидаги ташқи муҳитга маълум талабларни қўяди ва шунда ҳаёт кечириши организмни ўсиши, ривожланиши ва махсулот бериши учун ўзига хос бўлмаган шароитни ёки тўйимли моддаларни танлайди.

Демак тирик организмларни ҳаёт фаолияти ва махсулот ишлаб чиқариши бевосита уларни озиқлантиришига боғлиқ. Шу боисдан уларни озиқлантиришда тўйимли озиқ моддаларга бўлган талабини қондиришни тақозо этади.

И.С.Папов (1957) олиб борган тадқиқот ишларига асосланиб қайд этганки тирик организмнинг морфологик ва физиологик ўзгарувчанлиги

озикланиш даражасига боғлиқ. Муаллифни фикрига кўра барча тирик мавжудот ҳаёт кечиришида ўзига хос шароитни танлайди ва унга биноан ўзгаради, агарда унга кўникиб мослаша олмаса ҳаёти тўхтади ва нобуд бўлишига олиб келади. Бу омилларни ичида олимни фикрига кўра озуқа ва озиқлантириш омили муҳим ўрин эгаллайди.

Паррандалар ҳаёт кечириши ва маҳсулот бериши учун бошқа қишлоқ хўжалик ҳайвонларига кўра биологик жиҳатдан озуқаларни тўйимли бўлишига талабчан ва бунда оксил моддаси алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунончи у пластик модда бўлиб паррандаларни организмда модда алмашинув жараёнини бошқаради ва сифатли маҳсулот бериш хусусиятини вужудга келтиради.

Е.В.Рыбина (1968, 1973, 1977), Э.В.Абдурашидова, Т.Ш.Самигов (1984) маълумотларига кўра паррандаларни тўла қийматли озуқалар билан озиқлантирилиши уларни сақланувчанлигига, етилувчанлигига, такрорий ишлаб чиқарилишида фойдаланишга ва шунингдек, маҳсулдорлиги ва унинг сифати айнан шу омилларга боғлиқ. Озиқлантиришнинг акс ҳолида бўлиши паррандаларни ривожланишдан қолиб шароитга мослашмаслиги, кеч етилиши, маҳсулдорлигини ҳажми ва сифатини пасайиши ҳамда ишлаб чиқариши ҳаражатлари ошиб бориши бу омилларни илмий ишларида бир неча исботланган.

К.К.Карибоев (1996) қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандаларини озиқлантириш юзасидан олиб борган илмий ишларни, натижаларига асосланиб таъкидлайдиги чорва моллари ва паррандаларини озиқлантириш даражасини юқори бўлиши уларни маҳсулдорлигига, шароитга мослашишига ҳамда озуқа ҳаражатиغا ижобий таъсир кўрсатган. Олимни фикрига кўра ҳайвон ва паррандаларни озиқлантириш даражаси паст бўлганида уларни маҳсулдорлиги камайган ва озуқа сарфи ошиб борган.

Паррандаларни маҳсулдорлиги, унинг сифати ва биологик хусусиятлари уларнинг ирсий ва ҳаёт давомидаги хусусиятларига ҳам боғланган. Бунда ирсий хусусияти паррандаларнинг аجدодларилан (ота-она) ўз авлодларига маҳсулдорлигини ўтиши, ҳаётий эса уларни асраш, боқиш, урчитиш шароитлари билан ифодаланади. Шу нуқтаи назариядан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки паррандаларни маҳсулдорлиги ва такрорий ишлаб чиқаришда фойдаланиш сифати ўзгарувчан хусусиятдир ва уни янада такомиллаштирилишини тақозо этади.

Д.С.Азимов, И.Шовазов (2002), С.Г.Азимов ва А.Шамусутдинов (2002) серпушт тизимли товукларни озиклантириш рационада пахта шротидан фойдаланган, тадқиқот давомида олинган маълумотларга асосланиб баён этганларки паррандаларни рационига 4-15 фоиз пахта шроти қўшиб берилса уларни тухумдорлиги 63-65 фоизга оширилади, ҳаётчанлиги эса 93 фоизга етказилади ва 10 дона тухум учун 1,5-1,6 кг озуқа бирлиги сарфланган.

Бу фикрни давомини ва яхши натижаларга эришилганини Е.В.Рыбина ва бошқалар (1992; 1993) ишларидан ҳам қўриш мумкин. Муаллифлар серпушт товук кроссларини устида тадқиқот ишларини олиб борган ва эришилган натижаларга асосланиб қайд этадики, уларнинг озуқа рационини 4,9-15 фоизгача пахта шроти билан бойитилиши мақсадга мувофиқдир, чунки паррандаларни тухумдорлиги 15,5 донга ошган.

Д.С.Азимов (1997) иккита парранда гуруҳини танлаган ва тадқиқот ишларини олиб борган. Тадқиқот давомида назорат гуруҳи хўжалик рационини тажриба гуруҳидаги тенгқурларидан тухумдорлиги бўйича 3,74 фоизга ва 10 дона тухумга 1,7 кг озуқа бирлиги сарфланган 1,3 фоизга ҳаётчанлиги ошганлигини исботлаган.

Е.В.Рыбина (1990) маълумотларига биноан паррандаларни рационини энергия (300 ккал 100 грамм ҳисобига) ва протеин билан (18-19%)

бойитилиши эвазига ҳаво ҳарорати таъсирчанлигини тухум бериши тезлиги 75-80 фоизни ташкил этган.

Юқорида келтирилган адабиётлар маълумотларига асосланиб қайд этамизки паррандаларни ҳаёт кечиришига, шароитга мослашишига, сақланувчанлигига ва шунингдек етилувчанлигига, маҳсулдорлигига, насли сифатига, озиклантириш омилинининг таъсири жуда баланд.

Чорвачилик ва паррандачилик соҳасида ҳайвонларни наслдорлигига, маҳсулдорлигига ва зотларни такомиллаштиришига наслчилик ишини олиб борилиши ҳам ўз таъсирин ўтказади.

К.Кримов ва Г.И.Рязанов (1982); Г.Уткина (1990) олиб борган кузатувларидан кўринадикки узок муддатли бир хил кўпайтириш паррандаларни бир текис бўлиши имконларини вужудга келтирган. Демак бу ишни олиб борилиши натижасида урчитилаётган паррандаларни генофондини мужассамлаштирилади ва унинг негизида юқори маҳсулдор, рақобатбардош паррандаларни сони камайиб кетишига олиб келади.

Бу назарияни ҳаққонийлиги В.И.Фатеев (1979), С.Д.Алиев, Ф.Гусейнов (1979), В.Горин (1980), С.Каллинг (1980), Л.В.Шахнова Г.В.Шошина (1988) ва бошқа паррандачи олимларни кузатув ишларидан ҳам кўриш мумкин.

С.Фузеева ва бошқалар (1984) турли парранда кроссларини тизимли чаптириш натижасидаги олинган дурагайлари ўзининг дастлабки тенгқурларидан тухумларини оғирлиги бўйича 2,1-3,7 граммга, тухум бериш сони бўйича 1,1-1,6 донага устунлик қилганини исботлаган.

Гетероген ирсий хусусиятлар билан характерланган паррандалар ўзларининг соф қонли тенгқурларидан барча хўжалик фойдали белгилари бўйича устунлик қилган. Бу фикрни С.Шамбиев, И.Иванов (1976), Н.В.Злочевская, Н.Косенка (1977), А.П.Безусова, Н.В.Злочевская (1984) томонидан олиб борган тадқиқот ишларида бир неча бор исботлаган.

Бугунги кунда паррандачиликда юқори маҳсулдор ва сифатли наслдор ирсий манба тўпланган. С.Г.Азимов ва Х.К.Алимовларни (1987, 1988) фикрига кўра бу ирсий манбани нафақат сақлаб қолиш балким янги селекция усулларини қидириб уларни янада такомиллаштиришини амалайётга тадбик этилишини тақозо этади. Бинобарин бу масала жуда долзарб ва ҳар йилда барча қишлоқ хўжалик паррандаларининг фойдали хўжалик кўрсаткичларини ва биологик хусусиятларини такомиллаштириш талаб этилади.

И.И.Кочиш ва И.Г.Рязанов (2001) олиб борган ишларига ва эришилган натижаларига асосланиб таъкидлайдиларки, бугунги кунда паррандаларни ирсий имкониятларини ишга солиниши тахминан 70 фоизни ташкил этади.

Г.И.Кровеч (1985), Е.Е.Дъячков, В.А.Фатеев, Т.Е. Чеснокова (1988), В.Л.Рогозинская (1989), К.В.Злочевская, Р.Н.Варокина, Н.С.Фузеева (1989), Ч.Мяшкаскас (1990) олиб борган тадқиқот ишларига асосланиб таъкидлайдиларки паррандачиликни ривожлантириб боришда, янги тизимларни, оилаларни ва шунингдек шароитга тез мослашиб кўникадиган, тез этиладиган, ҳаётчан ва юқори маҳсулдор паррандаларни этиштиришда тизимлар аро ва топокрсснинг усулларидан фойдаланиш паррандачиликни такомиллаштиришни асосий омилларидан бир бўлиб ҳисобланади.

Бу омиллар билан биргаликда паррандаларни маҳсулдорлиги озуқа турларига ҳам боғлиқ бўлиши жуда кўп олимларни олиб борган ишларида акс эттирилган (Агеев В.Н. ва бошқалар, 1982; Егоров И.А., 1989, 1995, Арипов А., 1990).

И.Хошимов, Т.Тўйчиев (1985) паррандалар рациондаги дон ва ҳайвон дунёсидан олинган озуқаларга тавсиф беришда таъкидлайдики барча паррандаларнинг озуқа рационда омукта ем сифатида маккажўхори, арпа, сули, тарик, жавдар, нўхот, люпин ва бошқа экинлар донидан фойдаланилади. Озиқ учун ажратилган донлар юқори сифатли ва тоза

бўлиши билан биргаликда таркибидаги бошқа хил донларнинг аралашмаси 1 % дан, зарарли ўсимликлар 0,7 % дан ошмаслиги керак. Шунингдек донларни омборларда сақлаш вақтда уларнинг моғорлаб қолмаслиги учун намлиги 14-16% ошмаслиги зарур.

Адабиёт маълумотларидан келиб чиқиб таъкидлаш зарурки паррандаларни маҳсулдорлигини ошириш ва янада такомиллаштириш кўп жihatдан уларни сифатли озуқалар билан озиклантиришга боғлиқ. Лекин бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган омухта емларини сифати ва меъерий даражада бўлмаганлиги сабабли турли маҳаллий оқсил ва минерал компонентларга бой бўлган озуқалардан фойдаланиб бойитиши тавсия этилган.

Паррандаларни ҳаёти ва унинг маҳсулдорлиги ташқи муҳит билан узвий боғланган. Ч.Дарвин (1851) олиб борган ишларига асосланиб қайд этганки барча тирик организм ташқи муҳит билан узвий боғланган ва шунда ташқи муҳитга кўникиш учун улар ҳаракат қилади ва шунинг натижасида ўзгариб бориб ҳаёт кечиришини ва маҳсулот беришини давом этади, кўника олмаганлар эса ҳаёт кечира олмай нобуд бўлади.

Шу назарияни ҳақонийлигини юқоридаги келтирилган адабиёт маълумотларидан ҳам кўринади ва асосий назариялардан бири бўлиб ҳисобланади. Бинобарин бу боғланувчанлик натижасида турли йўналишдаги парранда зотлари, тизимлар, кросслари вужудга келган ва бугунги кунда ҳам бетўхтов давом этмоқда, ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилаётган тухум, гўштдор ва шунингдек қўш маҳсулот берувчи парранда тизимлари ва кросслари бунинг яққол далилидир.

Адабиёт маълумотларига кўра яхши ва тўйимли рационлар асосида озиклантирилган паррандалар яхши ўсиб, ривожланган ва серпушт бўлган ва аксинча сифатсиз рацион бўйича озиклантирилган паррандаларда бу хусусият паст бўлган.

Олимларнинг фикрига кўра паррандалар, ташқи муҳит шароитига ва уларни ўзгаришига ўзини мажбурлайди ва натижада уларда ўзгарувчанлик хосил бўлиб шароитга кўникади, хулқ атвори ўзгаради ҳамда ҳаёт кечириши ва махсулот бориши мақсадга мувофиқ ҳолда ўтади.

А.Поляночкин (1980), Дж.Лесси (1982), Э.Селин (1984,1989) фикрларига кўра генотип ташқи муҳит боғланган омил бўлиб паррандаларни турли шароитда ҳаёт кечириш давридаги ўзига хос хулқ атворини намоён эта билиши бўлиб ҳисобланади.

Ж.Медион ва Ж.Вейс (1987) фикрига биноан паррандаларни генотипини ва ташқи муҳитини боғланувчанлиги икки шаклда намоён бўлади. Биринчиси паррандани маълум ташқи муҳит омилига турли жавобанлигидир. Иккинчиси эса унинг акси бўлиб ҳисобланади ёки турли генотипдги паррандаларни ташқи муҳит омилига турлича жавобанлигидир.

З.М.Ашуров, В.Б.Хон (1987) томонидан 6-та гуруҳдаги Ўзбек бронза ва Ўзбек кулранг ҳамда “Хидон” СВ тизимли куркалари устида илмий ишлар олиб борилган ва ташқи муҳитни уларни ирсий хусусиятларига таъсирчанлиги ўрганилган. Бу ишларни натижасидан келиб чиқиб таъкидланганки тирик вазни, гўштдорлиги бўйича “Хидон” кроссини СВ тизими усунлик қилган. Бундан келиб чиқиб муаллиф исботлаганки турли генотипга мансуб паррандаларни ташқи муҳит билан боғланувчанлиги бир хил эмас.

Бу фикрни давомини D.Bell (1988) томонидан олиб борилган ишларидан ҳам кўришимиз мумкин. Муаллиф тадқиқот ишини “Беткон-В-300” кроссига мансуб товукларни устида олиб борган. Шундан келиб чиқиб таъкидлайдики кенг катакли батареяларда боқилган паррандалар тор катакли батареяларда боқилган тенгқурларидан тухумдорлиги бўйича усунлик қилган ва бу усунлик уларни яхши микроиклим шароити билан таъминлаганлигига боғлиқ.

Бугунги кунда ҳаётимизга иқтисодий ислоҳотларни кириб келиши турли тоифадаги хўжаликларни ташкил бўлиши, давлат мулкчилиқ шаклини хусусий мулкчилиқ шалкига ўтиши муносабати билан серпушт, юқори озуқа қоплови, арзон ва мақбул бўлган маҳсулотларни етиштириб берувчи, рақобатбардош паррандаларни урчитилишини тақозо этади.

Бу борада И.А.Сокач ва бошқалар (1984, 2001); Р.Дуюнова, Т.Скалярова (1989); Х.Тикие, Р.Мянумонс (1990); В.Воронов, В.Едришова, М.Борсукова (1991) паррандачилиги ривожланган мамлакатлардан тизим ва кроссларни келтириб урчитилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар. Бинобарин олимларни фикрига кўра бу паррандалар сифатли ирсий хусусиятга эга бўлиб юқори маҳсулдорлиги ҳамда маҳсулот етиштирада кам харажатли бўлиши билан характерланади.

Дурагай паррандаларни ташқи муҳитга кўникиши ва урчитилишини авзаллиги Ўзбекистонда олиб борилган илмий ишлардан ҳам кўриш мумкин (Мирзалиев Ю., 1962; Ленский Б.Л., 1966).

Паррандаларни маҳсулдорлигига хаттоки она галаси товукларни хўрозлар билан бирга асралиши ҳам ижобий таъсир кўрсатган. Бундай технологияни қўллашда И.В.Пигарев (1975), И.С.Сметнев (1979) фикрига кўра ёш паррандаларни ўсиши жадаллашиб бориб тез етилади в тухумга кириши тезлашади.

Н.Дегҳир (1988) таъкидлайдики ташқи муҳитни ҳароратини 10 градусга пасайиб бориши паррандаларни тухум беришига салбий таъсир этган. Об-хаво ҳарорати 21-38 градусгача пасайиб кетган чоғида паррандаларни тухум маҳсулдорлиги 50 фоизга пасайган, қолаверса харорат 38 градусдан пасайиб кетганда паррандалар умуман тухум бермаган.

Бугунги кунда Ўзбекистон худудида турли тоифадаги паррандачилик хўжаликларини ташкил бўлиши ва уларда кўплаб товук кросслари, урчитилиб маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бу серпушт товук кросслари

Республика учун катта ирсий манбаа бўлиб ҳисобланади. Шу боисдан бутовуқ кроссларидан оддий хўжалик шароитида парранда маҳсулотларини (тухум, гўшт) миқдорини ва сифатини ошириш самарали технологияси ишлаб чиқишни тақозо этади.

III. Шаҳсий қисм.

3.1. Янгийўл паррандачилик фабрикасини таърифи ва иқтисодий фаолияти.

Янгийўл паррандачилик фабрикаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1994-йилдаги “Паррандачиликни саноат асосида ривожлантириш” қарорига биноан ташкил этилган. Бу фабрикага Тошкент вилоятини Янгийўл тумани ва вилоят аҳолисини сифатли ва парhezли парранда маҳсулотлари билан тaминлаш борасида фаолият кўрсатмоқда. Янгийўл паррандачилик фабрикасини дастлабки қувати 100 минг бош она товукқа мўлжалланган. Фабрикани дастлабки кунларидан бошлаб меҳнат ташкил этилиши ва ишбилармон мутахасислар фаолият кўрсатиб келган ва уни замон талаб даражасида такомиллаштириб барча товук боқадиган қaфасли батереялар билан жиҳозлаш. Бунинг натижасида фабрика Ўзбекистонда кўзга кўринган паррандачилик фабрикаларга айланиб саноат асосида парранда маҳсулотларини ишлаб чиқаришни бошлаган.

Янгийўл паррандачилик фабрикасида такомиллаштириш йўлларини олиб бориш ўз самарасини берди ва унинг қуввати 1980-йиллар бошига келиб 250 минг бош парранда боқиб бир йилда ҳар бир товук бошига 240-250 минг бош тухум ишлаб чиқаришга эришди. Бугунги кунда бу фабрика Республикада йирик паррандачилик корхонаси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда ва товук бошига 270-280 дона тухум етиштиришга эришди.

Фабрикани ерлари текислик бўлиб 180 гектарни ташкил этмоқда. Фабрика ишлаб чиқариш биноларини атрофи беркитилган. Фабрикага барча хизматчи ва транспорт воситаларини кириб чиқиш руҳсат орқали амалга оширилади. Хўжаликни асосий йўналиши тухум ишлаб чиқариш бўлиб ҳисобланади ва бунда Родонит-3 кросси тухум йўналишидаги товуклар урчитилади.

Фабрика вилоят марказидан 39 км, узоқликда жойлашган Туман марказидан 5км узоқликда жойлашган.

Фабрикани ерлари асосан бўз тупроқ турли кишлок хўжалик экинларини экилишида ишлатилади. Шунда 100 гектарда ғалла, 30 гектарда макка (дон учун) ва 10 гектарда мева сабзавот экилади шулар қаторида ахоли томорқалари ҳам мавжуд.

Ишчи ва хизматчилар яшайдиган пасёлка ободонлаштирилган унда ахолига маиший хизмат кўрсатиш, мактаб, болалар боғчаси ва фабрикани маъмурий биноси мавжуд.

Хўжалик ерларига экилган ўсимликларни ҳосилдорлиги қуйидаги меъёрда бўлган ғалла ҳосили гектарига ўрта ҳисобда 25-30, бедани 50-60, мева – сабзавотни эса 5-10 центнерни ташкил этади. Фабрика экин майдонларидан олинган маҳсулотларга паррандаларни озуқага бўлган этиёжини тўла қонидира олмайди шу сабабли паррандаларни озуқлантириш марказлаштирилган ҳолда зарур озуқалар билан таъмин этилмоқда.

Фабрика ахолиси юқорида қайд этилганидек шаҳар четида пасёлкада яшаб келади. Бунда барча шароитлар мавжуд, газ, сув, свет ва хоказо. Фабрика ахолисини фарзандларини таълим олиши учун 2-та мактаб, 1 та касб-хунар коллежи қолаверса ахолига хизмат кўрсатиш учун аптека, амбулатория, маиший хизмат уйи, болалар боғчаси, турли спорт тўғариклари хизмат кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунда фабрика ҳудудида 6 мингга яқин ахоли истъиқомат қилмоқда. Шу сабабли фабрика ишчи кучи билан тўла таъминланган.

Янгийўл паррандачилик фабрикасини ҳудуди об – ҳаво ва иқлим шароити Ўзбекистон иқлимига хос ва кескин континентал бўлиб ҳисобланади. Баҳор эрта келади ва кун сезиларли даражада исиб қолади. Баҳорнинг айрим кунларида совуқ бўлади. Хароратнинг пасайиб кетиши вақт-вақти билан қор ҳамда ёмғир ёғиши кузатилади. Фабрикани ер ости

сувлари 1,5–2,5 метр чуқурлигида жойлашган ўртача йиликнинг намдорлиги 250-250 мм бўлиб асосий қисмини ёмғир бўлиб ҳисобланади, қиш оғир келган йилларда бунинг давомийлиги 120-130 кунни ташкил этади.

Ёз қуруқ ва иссиқ ўтади, ўртача ҳарорат 38-42 градусни ташкил этади, айрим кунларда ҳавони ҳарорати 45 градусгача кўтарилади. Ёз ойи ва ундаги ҳароратни баландлиги ноябр ойининг ўрталаригача сақланиб қолади, ундан сўнг ҳарорат пасайиб боради ва қиш кириб келади. Қиш мавсумида ҳарорат 10-15 градус совуқ бўлади, декабр ойининг иккинчи ярмида қор ёғади, лекин тезда эрийди.

Паррандачилик фабрикаси аҳолини ва қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ҳамда паррандаларни соғлом бўлишига ва унда меҳнатни тўғри ташкил этилганлиги сабабли 140-150 кунга тенг товукларини вазни 1,5-1,7 кг, хўрозларда 1,7-1,8 кг бўлади, кириш чиқими 90% га тенг. Бу парранда Родонит-3 кросси маҳаллий шароитга кўниккани, чидамлилиги ва серпушт бўлгани сабабли кенг тараққий этирилган.

Бу паррандани айрим хусусиятларини тахлили билан биргаликда хўжаликни бир йиллик иқтисодий фаолиятини ўрганишга ёндошдик ва бу борада олган маълумотлар 1-жадвалда баён этирилган.

Жадвал-1

Янгийўл паррандачилик фабрикасини фаолияти.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012		
		режа	ҳақиқий	бажарилиши %
Барча техник воситаларни нархи	минг сўм	63600	656300	131,8
Ишлаб чиқилган ялпи маҳсулот	минг сўм	4802200	4925400	102,6
Бир ишчи ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот	минг сўм	64800	64900	100,1
Ишчи сони	одам	200	200	100
Бир ишчига ҳақ тўлаш	минг сўм	800,0	850,	106,2
Бир ишчи ҳисобида олинган фойда	минг сўм	650,0	830,0	122,7
Рентабеллик даражаси	%	20,0	22,0	110

Жадвалдан кўринадики хўжалик 2012-йилда яхши фолият кўрсатган, бинобарин хўжаликни рентабилиги 2,0 фоизга ошган. Хўжаликда паррандаларни асраш , боқиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ва унинг самарадорлиги тобора ошиб бориши кўзда тутилган.

Хўжаликни қуввати урчитилаётган парранда бош сони ва маҳсулот ишлаб чиқарилиши билан белгиланади. Бунга асосланиб Янгийўл паррандачилик фабрикасини бу кўрсаткичларини ўргандик ва олинган маълумотлар 2-жавдалда акс эттирилган.

Жавдал-2

Фабрикадаги парранда сони ва маҳсулдорлиги.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 йил		
		режа	хақиқий	бажарилиши %
Жами паррандалар сони	минг бош	180	190	105,5
Катта ёшдаги паррандаларни сони	минг бош	120	120	100
Ёш паррандалар сони	минг бош	90	90	100,0
Ҳар бир бош ҳисобига олинган тухум сони	дона	260	260	100
Товуқларни бир кунлик ўсиши	г	8,0	8,0	100

Жадвалдан кўринадики 2012-йилда режага кўра товуқлар сони 10 минг бошга ошган шундан катта ёшли паррандалар сони меъерий даражада бўлишига раҳбарият ва мутахасислар катта эътибор беради. Булар тўғри олиб борилганлиги сабабли фабрикани экологик ҳолати тоза ва инфекциян касалликларга чалинмаган.

2012-йилдаги маълумотларидан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки хўжалик режалаштирилган парранда сонини 10,5 фоизга кам бажарган, тухум ишлаб чиқариш режага нисбатан 100 фоизни ташкил этган. Паррандаларнинг вазнини кўпайиб бориши деярли даражада режага мувофиқ бўлган.

Хўжаликда маҳсулот ишлаб чиқиш ва сотишни ҳам ўрганиб чиқдик унинг натижаларини 3-жадвалда келтирилган.

Парранда маҳсулотларини ишлаб чиқарилиши ва сотилиши.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 йил			Режага нисбатан ±
		режа	амалда	бajarилиши %	
Маҳсулот ишлаб чиқариш жумладан					
Тухум	минг дона	19890,5	21760	109,5	+4050,0
Гўшт	цент	1350,0	1390	102,9	+40,0
Жўжа олиш	минг бош	127,0	150,0	118,4	+8,0
Маҳсулот сотиш жумладан					
Тухум	минг дона	18385,0	21090,5	114,4	+5,0
Гўшт	цент	1050,0	1090,0	103,8	+4,0
Жўжа	минг бош	20,0	21,0	104,1	+2,0

Жадвалдан кўринадики 2012-йилда хўжалик тухум ва гўшт ишлаб чиқариш, сотиш ҳамда жўжа олиш ва сотиш бўйича режаларни тўлиқ бажарган.

Шу кўрсаткичлар қаторида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини ҳам ўргандик ва маълумотлар 4-жадвалда акс этирилган.

Янгийўл паррандачилик фабрикасида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 йил			Режага нисбатан ±
		режа	амалда	бajarилиши %	
Озука сарфи					
1000 дона тухумга	Озука	2,5	2,3	108,7	-0,3
1 цент ўсишига	озука	10,4	10,0	114,3	-0,40
Ишчи кучини сарфи					
1000 дона тухумга	Одам	6,0	5,7	95,0	-0,5
1 цент ўсишига	Одам	34,0	32,0	106,2	-0,6

Хўжалик бўйича олинган маҳсулотга озуқа ва ишчи кучини сарфи 2012-йилда режага нисбатан камайиб борган, бу ишлаб чиқаришда янги технологияларни жорий этилишига ва шунингдек унумдорлигини ошишига боғлиқ ва бу ишларни хўжаликда йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Бу кўрсаткичлар қаторида хўжаликда маҳсулот ишлаб чиқарилишини таннархини таҳлил қилиб чиқдик ва у тўғридаги маълумотлар 5-жадвалда келтирилган.

Жадвал-5

Хўжаликда ишлаб чиқарилган парранда маҳсулотларини таннарҳи

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 йил			Режага нисбатан ±
		режа	амалда	бажарилиши %	
1000 дона тухум	сўм	430000	420000	97,7	-10000
1 центнер тирик вазнга	сўм	2000000	1910000	95,5	-90000
1 центнер гўштга	сўм	2270000	2250000	99,1	-20000
1000 бош бир кунлик жўжаларнинг парваришига	сўм	3000000	2901000	96,7	-99000

Жадвалдаги маълумотлардан келиб чиқиб таъкидлаймизки паррандаларни озуқаларини ва маҳсулотлар тан нарҳи пасайиб боришига жумладан таннархини пасайишига олиб келган. 2012 йилда тухум тирик вазни, гўшт ва жужа парвариши бўйича харажатлар тегишли равишда 10000, 90000, 20000 ва 99000 сўмга камайиб борган. Шу боисдан хўжалик мутахасисларни маҳсулот ишлаб чиқаришини янада такомиллаштирганидан далолат беради.

IV.Хусусий қисм

4.1.Тадқиқот манбаи, мақсади вазифалари ва қўлланилган услублар

Янгийўл паррандачилик фабрикасида урчитилаётган паррандалар тухум йўналишидаги “Родонит-3” кроссига мансуб, шу сабабли тадқиқот ишимизнинг манбаи “Родонит-3” кросси товуклари бўлиб ҳисобланади.

“Родонит-3” кросси тўрт тизимли кросс бўлиб Германияда 6-жадвалда келтирилган схемага биноан яратилган.

Жадвал-6

Кўрсаткичлар	Оталик	шакли	Оналик	шакли
	ота тизими	Она тизими	Ота тизими	Она тизими
Дастлабки тизимлар	♂A x A♀	♂B x B♀	♂C x C♀	♂D x D♀
Буваларини шалки	♂A x B♀		♂C x D♀	
Ота-оналарини шакли	♂AB x CD♀			
Финал гибриди	♂ABCD♀			

Жадвалдаги маълумотлардан келиб чиқиб такидлаш мумкинки “Родонит-3” тухум кросси жуда мураккаб чатиштириш ва йўналтирилган ҳолда селекция ишларини олиб бориш эвазига яратилган.

Узоқ йиллар давомида тухумдорлиги бўйича олиб борилган селекция ва озуклантиришни яхшилаш ишлари ўз самарасини берди. “Родонит-3” товуклари юксак оклиматизацион сифати ҳамда тухум махсулдорлиги билан фарқланади ва бу кўрсаткичлар унинг кенг тарқалиб кетишига ва ўргатилишига асос бўлади.

“Родонит-3” паррандалари тез етилади ва 150-155 кунлигида тухумга киради, бу ёшда уларни тухум бериши 50 фоизни ташкил этади, 170-176 кунлигида энг юксак тухум бериш хусусияти билан характерланади. Бу

даврда аждодларини ва ота-оналарини тухум бериш қобилияти 82-92 фоизни ташкил этади, ўзини эса, яъни финал гибридини, тухум бериш қобилияти 90-96 фоизни ташкил этиш билан белгиланади. Тухумларини оталаниш хусусиятлари 88-95 фоиз билан характерланади, жўжа очиши ва сақланувчанлиги ёшига боғлиқ бўлиб ёшини дастлабки кунларида 90-92 фоизини 17 хафталик ёшигача 97-98 фоиз; 17-68 хафталик ёшида эса сақланувчанлиги баланд бўлиб 93-95 фоизини ташкил этади.

“Родонит-3” товуклари юксак тухум бериш хусусиятига эга. Бинобарин уларнинг ота-оналари шаклидаги товукларни тухум бериш қобилияти 250-260 дона тухум билан белгиланади, гибридини тухумдорлиги эса 270-280 дона тухум бериш хусусиятига эга бўлиб ҳисобланади.

Тухумларни жами паррандаларнинг ёши билан боғлиқ бўлиб 26 хафталигида 57-61 г; 60 хафталигида 61-67 г ташкил этади. Жўжаларни танаси йирик ва бир хафталигида 80-90 граммни ташкил этади, паррандаларни йирик вакилларини тирик вазни баланд бўлиб ҳисобланади, шунда хўрозларни вазни 2940г, товукларини 2260 грамм, улар юксак гўшт маҳсулдорлиги билан ҳам ифодаланади, чиқиши 80 фоизни ташкил этади.

“Родонит-3” тухумдор кроссли паррандалар юксак озуқа тўлов билан характерланади. 1 кг ўсишига 2,5-3 кг озуқа бирлиги ва 10 дона тухум беришига 1,3-1,5 кг озуқа бирлиги сарф этади.

Юқорида қайд этилган маълумотларга мосланиб шуни такидлайдики “Родонит-3” кроссини товуклари ўзининг хулқ-атвори, шароитга мослашувчанлиги, сақланувчанлиги ва шунингдек кўп ва сифатли маҳсулот бериши ҳамда маҳсулотга озуқа сарфлаб тежамкор бўлгани учун эътиборга молик бўлган ва бу паррандаларни жуда кўп мамлакатларда урчитилишига ва энг афзал тухум йўналишидаги товуклардан бири бўлиб ҳисобланади.

Шу хусусиятларини инобатга олагн холда бу паррандалардан янги ота-оналар шаклларини вужудга келтиришни тақазо этади. Бундай ишлар

бугунги кунда Германия давлатининг куйидаги “Ломон – Тирцухт” “Ломон – Лойн”, “Хайсдор” ва “Нилсон” каби наслчилик хўжаликларидан тегишли ишлар олиб борилмоқда ва насли паррандаларни тарқатилиш юзасидан бу хўжаликлар жахонда етакчилик қилмоқда.

Ю.В.Косинцев (2003) берган маълумотларига асосланиб таъкидлаш мумкинки бу юқорида қайд этилган фармонлар кўнғир рангли паррандаларни Хитой ва Россия федерациясига сотишда биринчилар ўринда туради.

Тадқиқот олиб бориш учун Родонит-3 кросси товуқларидан 2-та гуруҳ танланади шунда 1-гуруҳни ота-она галаси, 2-гуруҳини саноат галасидаги товуқлар ташкил этди. Хар бир гуруҳга услубига амал қилган холда 100 бошдан товуқлар ажратилиб кузатув ишлари олиб борилади (7-жадвал)

Жадвал-7

Тадқиқот тасвири

Тадқиқот гуруҳлари	Ажратилган товуқ сони бош	Асраш, боқиш ва давомийлиги хафта	Ўрганилган масалалар
Ота-она галаси	100	Хўжалик 20-72	1. Асраш, озиклантириш 2. Ўсиш, ривожланиш 3. Тухум, гўшт маҳсулдорлиги ва озуқа сарфи 4. Айрим биологик хусусиятлар 5. Иқтисодий самарадорлиги
Саноат галаси	100	Хўжалик 20-72	

Тажрибани бошида барча ажратилган товуқлар соғлом бакуват бўлиши харакатчанлиги, ташқи мухитга жавоб қайтариши, танасини патланиш патни зичлиги, ялтироқлиги кўзда кўриш усулида ўрганилди.

Товуқлар асосан 20 хафталигидан ёки тухумга кирганидан бошлаб то фойдаланишнинг охиригача КБУ-3 маркали катакли батареяларда асралади

ва бунда хаво харорати намлиги кун ёруғлигини давомийлиги ва миқдори Н.В.Пигарев (1964), Г.П.Иоцгас, И.Н.Старчиков (1969) тавсияларига амал қилинди.

Товуқларни озуклантириш хўжаликга озукалардан келиб чиқиб Н.В.Агеев (1982) ва бошқалар тавсия этилган рационлар асосида тузилган рацион билан озуклантирилади.

Товуқларни тирик вазни динамикасини ўрганишда 20 хафталигидан то 40 хафталик ёшигача хар икки хафтада ундан сўнги ёшларида эса хар тўрт хафтада бир маротаба ВТЛ-500 маркали тарозида тортиб борилди. Мутлок нисбий ва суткалик ўсишларни ўрганишда Е.Д.Борисенко (1968) услубига амал қилинди.

Товуқларнинг тухумдорлиги хар кунда тўпланиб журналга қайд этилиб борилиб сўнг хар ойдаги олинган тухум сони бир-бирига қўшилиб борилиб умумий тухумдорлиги ўрганилди.

Тухум бериш жадаллиги эса Ю.В.Владимирова услубига биноан ўрганилди тухумларни оғирлигини ўрганиш учун 150 дона тасодифан усулида танланиб тортилиш натижасида ўрганилди тухум массасини оғирлигини ўрганишда назорат даврида олинган тухум сони оғирлиги натижалар қўшилиб борилиб умумий тухум массаси ўрганилди.

Товуқларни гўшт махсулдорлигига кўрсаткичларини аниқлашда уларни ВИЖ (1972) услубига биноан сўйдик ва унга амал қилган холда истеъмолга яроқли ва яроқсиз қисмларини хисоблаш орқали ўргандик.

Товуқларни озук қопловуни аниқлашда хўжаликда уларни ўстириш ва махсулот ишлаб чиқаришигача кетган озук миқдорини жами олинган махсулотга бўлиб ўргандик.

Товуқларни биологик хусусиятларини ўрганишда биз уларни назорат бошида ва назорат охирида тирик қолган товуқларни санаб ва бир-бирига қиёслаб ўтиш орқали амалга оширилди.

Тажрибадаги товуқларни харакатчанлигини ва физиологик етилиш бирлиги тухум бериш ёшини ҳисобга олиш орқали ўрганилди.

Тажриба давомида олинган маълумотларни Н.А.Плохинский (1969) методикаси асосида биометрик ишлов берилди.

4.2.Кузатув натижалари шархи

4.2.1.Родонит-3 кросси товуқларини асраш ва озиклантириш шароити.

Барча ёшдаги товуқларни хўжаликдаги паррандахоналарда асрашда КБУ-3 катаклар батареяларида фойдаланилган ва бунда товуқлар 20 хафталигидан то фойдалиниш охиригача хар бир товуқ учун 500 кг пол сатхи ажратилган. Сатхдан ташқари асраладиган хар бир бош хисобига 5,5-6,5 см кенглигида емдон, 2-3см, кенгликда сув ичиш идишлари хам беркитилган. Буларда амал қилинишига товуқлар озукланишидан ва сув ичишидан қолиб кетади чунки нимжонланиб харакатсиз холга келиб қолади ва махсулдорлик хусусиятлари хамда сақланувчанлиги сусайиб боради.

Катакларга товуқларни жойлаштириш сони хам мухим бўлиб хисобланади ва хар бир катакга 5-6 бош товуқ жойлаштирилади. Катакларни баландлиги эса 25x40 ва 25x50 мм кв хисобига бўлган.

Асрашни яна бир мухим кўрсаткичи бу цехлардаги кун ёруғлиги, хаво харорати ва нисбий намдорлиги бўлиб хисобланади. Бу хусусиятлар ўрганилди ва натижалар 8-жадвалда ўз аксини топган.

Жадвал-8

Хўжаликда товуқларни асраш шароити

Товуқлар ёши хафта	Ҳаво харорати градусда	Кун ёруғлиги		Ҳавони нисбий намдорлиги %
		давоми соат	микдори люкс	
20	24-28	9,0	15-25	55-65
24	20-22	11,0	30-40	55-65
28	20-22	13,5	30-40	55-65
32	20-22	14,0	30-40	55-65
36	20-22	14,5	30-40	55-65
40	20-22	15,0	30-40	55-65
44	20-22	15,0	30-40	55-65
48	20-22	15,0	30-40	55-65

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадикки хаво харорати товукларга ёши ошган сари камайиб борган ва ўрганилган муддатларни охиригача келиб 20-22 градусни ташкил этган. Кун ёруғлигини давоми аксинча бўлиб 0,5 соатдан ошганини кўрамиз ва охирига келганида 15 соатни ташкил этган. Кун ёруғлигини ошган бўлсада 24 хафталигида ёшидан бошлаб бир мейёрда сақланиб қолган (30-40) хавони нисбий намдорлигини ўрганишда даврларда бир текис деб ҳисоблаймиз.

Товукларни шаклланишида шароитга кўникиши, тухумга кириб уни ишлаб чиқариши, шунингдек кун ёруғлигини давоми, миқдори хаво харорати ва нисбий намдорлиги каби кўрсаткичлар муҳим аҳамиятга эга бинобарин хўжаликларда уларга амал қилинмаса товуклар бир жойга тўпланиб кетади, озуқа, сув истемол қилиши тобора сусайиб боради ва улар оқибатда нобуд бўлишига учрайди. Шу боисдан бу кўрсаткичлар барча паррандачилик корхоналарида автомойка ёрдамида бошқарилади ва уларни кўрсаткичлари доимий назоратда туради.

Товукларни узишини ва тухум бериши кўп жihatдан озуқа ва озуклантириш рационини тўйимлилиги билан белгиланади. В.И.Фасинин, Г.А.Тардатьян (1958) фикрига асосан товукларни сифатли озуқалар билан озуклантиришда ГОСТ-18221-72, сув билан таъминлашда эса ГОСТ-2874-73 давлат андозасига рецептлар ва сувдан фойдаланиш зарур.

Хўжаликда товукларни озуклантириш рецептлари ўрганиб чиқилди ва бу борадаги маълумотлар 9-жадвалда кўрсатилган.

Товуқларни озиклантириш учун қўлланилган озуқа рецепти (%
ҳисобида)

Озуқа турлари	Товуқларни ёши		
	16-20	21-28	29-45
Омухта ем	27,0	40,0	34,6
Маккажўхори	33,0	32,0	31,0
Буғдой	17,4	7,8	10,0
Соя шроти	10,0	6,0	8,0
Пахта шроти	6,0	5,0	4,0
Охак	3,0	2,0	6,0
Ёғ	1,9	1,5	0,8
Балиқ уни	-	-	-
Гўшт-суяк уни	-	5	4
Калций фосфат	1,0	-	1,0
Примикс	0,5	0,5	0,4
Ош тузи	0,2	0,2	0,2
100 грамм озуқа таркибида			
Алмашинув энергия к/калл	260,0	250,0	260,0
к/дж	1089,0	1047,0	1089,0
Хом протеин г	16,0	15,0	16,0
Хом клетчатка г	5,0	5,0	5,0
Калций г	1,2	2,0	2,9
Фосфор г	0,6	0,7	0,65
Натрий г	0,2	0,2	0,2
Лизин мг	0,9	0,7	0,8
Метионин-цистин мг	0,6	0,65	0,65
1 бошга суткасига берилган озуқа миқдори	100	120	126

Жадвалдан келиб чиқиб тақидлаймизки товукларни 16-20 хафталик ёшида озуқа рецептини таркибида 27,0 фоиз омухта ем, 33,0 фоиз маккажўхори, 17,4 фоиз буғдой, 10,0 фоиз соя шроти, 6,0 фоиз пахта шроти, 3,0 фоиз охак, 1,0 кальций фосфат, 1,9 фоиз ёғ бўлган.

Бу кўрсаткичлар 21-28 ва 24-28 ва 24-45 хафталигик ёшида тегишли равишда – омихта ем 40 ва 34,6, маккажўхори – 32,0;31,0; буғдой 7,8 ва 10,04 соя шроти – 6,0;8,0; пахта шроти – 5-4 охак – 2-6; ёғ – 1,5-0,8; гўшт суяк уни 5-4; примикс – 0,5-0,4; ош тузи 0,2 фоизни ташкил этган. Бу рецептларни таркибини эса 260-250 ккал, ёки 1089-1047,0 к/джал энергия; 15-16 г хам протеин, хам клетчатка 5 г кальций 2,0-2,9 г, фосфор 0.7-0,65 г; натрий 0,2 г, лизин 0,7-0,8 мг; метионин, цистин 0,65 грамни ташкил этган.

Бир кунда эса истеъмол қилган озуқа миқдори ёши бўйича тегишли равишда 100; 120; 126 грамга тенг бўлган. Бу кўрсаткичларга асосланиб қайд этамизки рецептга биноан озуклантирилган товукларни ёши бўйича ўтадиган физиологик жараёнлар ва шунингдек тухум бериш хусусиятлари ва уларни сифати инобатга олинган, рецептлар товукларни озиқ миқдorigа бўлган талабини тўла қондирган. Қолаверса тухум бериш тезлигини ва унинг миқдори, товукларни соғломлиги ва тирик вазни, харакатлари меёрий даражада бўлган.

4.2.2.Родонит-3 кросси товукларини етилувчанлиги ва сақланувчанлиги.

Паррандаларни етилувчанлиги асосий биологик хусусиятларидан бири бўлиб улардан махсулот ишлаб чиқарилишини белгилайди. Шу боисдан ўрганишни тақазо этади бу борадаги таҳлил этилган маълумотлар 10-жадвалда келтирилган

Жадвал-10

Родонит-3 кросси товукларини етилувчанлиги.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Она товуклар галаси	Саноат товуклар галаси
Жинсий етилиш ёши	хафта	10-12	10-12
Физиологик етилиб тухумга кириш ёши	хафта	18-20	18-20
50 фоиз тухумга кириш ёши	хафта	21-22	21-22
70 фоиз тухумга кириш ёши	хафта	23-24	23
Тухум бериш авжига кирган ёши	хафта	38-40	36-40

Жадавалдаги маълумотларга асосланиб қайд этамизки Родонит-3 кросси товуклари юқори етилувчанлик хусусиятлари билан характерланади. Лекин галалар бўйича қиёслаганда жинсий етилишда улар орасида фарқ бўлмаган, ёки ошганидан сўнг эса улар орасида деярли фарқ мавжуд ва бу фарқ саноат галласи товуклари фойдасигадир. Шундан келиб чиқиб тақидлайимзки саноат галасини она товуклар галасидаги тенгқурларига кўра етилувчанлигига кўра етилувчанлиги бўйича 5-10 кунга устнлик қилган.

Етилувчанлиги қаторида уларни сақланувчанлиғни ҳам таҳлил қилиб борилди ва олинган маълумотлар 11-жадвалда баён этилган.

Родонит-3 кросси товуқларини сақланувчанлиги

Товуқлар ёши хафта	Она товуқ галаси			Саноат товуқ галаси		
	товуқ сони-бош		сақланувчанлиги %	товуқ сони-бош		сақланувчанлиги %
	хафта бошида	хафта охирида		хафта охирида	хафта охирида	
20	50	50	100	50	49	98
24	50	49	98	49	49	100
28	49	49	100	49	48	97,9
32	49	48	97,9	48	48	100
36	48	48	100	48	48	100
40	48	48	100	48	48	97,9
44	48	48	100	48	48	100
48	48	48	100	48	48	100
жами	50	48	96	50	48	96

Жадвалдан кўринадики 24 ва хафталик ёшида ота-она товуқлар галасида бир бошдан товуқлар нобуд бўлган ва сақланувчанлиги бунда 46 фоизни ташкил этган. Саноат галасида ҳам икки бош нобуд бўлиши кузатилган биттаси – 20 хафталигида ва биттаси 28 хафталик ёшида, сақланувчанлиги бу ҳолда ҳам 96 фоизга тенг бўлган.

Хўжаликда галалар орасида фарқ мавжуд лекин бу кўрсаткични Родонит-3 кроссини етилган ватанидаги Тирцухт фирмасини сақланувчанлиги билан таққослаганда фоизга фарқ мавжуд ватанида уларни сақланувчанлиги 98 фоизни ташкил этган бизда эса 96 фоизга тенг бўлган.

Ўрганилган кўрсаткичлар асосида такидлаймизки Родонит-3 кросси Ўзбекистон иқлим шароитига кўникиши ва сақланувчанлиги анча баланд. Шу хусусиятлар эвазига уларни танаси йирик ва махсулот бериши ҳамда урчитилиши асосланган, қайд этилган кўрсаткичларни таълуқли қисмида кўриш мумкин.

4.2.3. Родонит-3 кросси товуқларини тухум махсулдорлиги

Серпушт товуқларини махсулдорлигини асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб уларни тухум махсулдорлиги унинг хажми ва тухум бериш тезлиги бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли уларни сақланувчанлиги, етилувчанлиги, тирик вазн динамикасини ўрганиш муҳим бўлиб ҳисобланади Родонит-3 кросси товуқларини ўрганилган муддатлардаги тухум бериш ва унинг тезлиги 12-жадвалда акс эттирилган

Жадвал-12

Янгийўл паррандачилик корхонасидаги Родонит-3 кросси товуқларини тухумдорлиги (n-50)

Товуқлар ёши ҳафтада	Ота-оналар галаси				Саноат галаси			
	$x \pm sx$ дона	b	cv %	тухум бериш тезлиги	$x \pm sx$ дона	b	cv %	тухум бериш тезлиги
20	13,0±0,15	0,7	1,0	46,0	14,0±0,1	1,3	3,2	46,5
24	14,0±0,1	0,7	5,0	46,7	14,5±0,1	0,8	5,0	48,3
28	19,0±0,02	0,6	3,0	63,3	19,5±0,16	1,0	5,0	65,0
32	23,1±0,2	1,5	6,5	77,0	23,8±0,1	0,7	2,9	79,3
36	26,4±0,1	0,7	2,0	8,97	26,0±0,1	0,8	3,0	89,7
40	25,0±0,2	1,48	5,92	89,2	25,0±0,2	1,48	5,71	89,1
44	24,4±0,22	1,55	6,65	83,6	24,0±0,20	1,45	5,62	85,7
48	23,4±0,2	1,3	5,6	82,5	23,0±0,15	1,40	5,5	84,0
ўртача	21,03±0,2	1,07	4,46	72,75	21,22	1,12	4,49	73,45

44-48 ҳафталик ёшидан бошлаб товуқларни тухумдорлиги секин пасайиб борган ва тегишли равишда 23,4-24,0 донани ёки 83,6-82,5 фоизни ташкил этган.

Бу хусусиятларини бир бири билан қиёслаганимизда саноат товуқларини ота-она галасидан товуқларидан устун турганини кўрамиз. Бу

кўрсаткичлар бўйича сон ҳам жадаллиги бўйича фарқ мавжудлигини таъкидлаш зарур.

Хўжалик кўрсаткичларини Родонит-3 кроссини етказилган ватанидаги (Тирцухт фирмаси) кўрсаткичлар билан солиштирганимизда биздаги товуклари тенгқурларига кўра биз оз кам эканлигини исботлаймиз. Бунда ўз ватанида тухум бериш жадаллиги 36-40 хафталигида 94 фоизини ташкил этган бизда эса 89,7-89,2 фоизга тенг бўлган ёки бизнинг шароитимизда урчитилаётган бу кроссини тухум бериш жадаллиги 4,3-4,8 фоизга кам бўлган.

Бу кўрсаткич қаторида хар бир галадан олинган тухумларни вазни ўрганилди ва бу тўғрисидаги маълумотлар 13-жадвалда келтирилган

Жадвал-13

Родонит-3 кросси товукларини тухумини оғирлиги (n-50) (бир дона ҳисобига)

Товуқлар ёши хафтада	Ота-оналар галаси			Саноат галаси		
	$X \pm Sx$ дона	b	cv %	$X \pm Sx$ дона	b	cv %
20	53,5±0,3	1,9	1,7	54,5±0,3	1,74	5,64
24	55,5±0,4	1,0	5,6	56,5±0,3	1,27	4,0
28	69,4±0,4	1,08	3,69	61,5±0,4	0,98	3,69
32	61,5±0,3	1,05	4,74	62,5±0,2	1,27	4,74
36	62,0±0,2	1,06	5,11	63,0±0,3	1,34	5,11
40	63,0±0,1	1,41	5,71	63,4±0,4	1,48	5,62
44	65,0±0,2	1,27	5,62	65,4±0,4	1,41	5,47
48	66,0±0,2	1,2	5,4	66,5±0,4	1,40	5,4
Ўртача	60,1±0,4	1,25	4,64	60,9±0,3	1,36	4,89

Жадвалдаги маълумотларга асосан такидлаш зарурки 20 хафталигида ишлаб чиқарилган хар бир тухумни оғирлиги (ота-она ва саноат галаси товукларида) тегишли равишда 53,5-56,5 г 28 хафталигида 60,4-61,5; 32

хафтлигида эса 61,5-62,5; 36 хафталигида 62,0-63,0 40 хафталигида 63-63,4; 44 хафталигида эса 65,0-65,4 граммга тенг бўлган.

Умуман товуқлар орасидаги фарқ саноат галаси фойдасига бўлган қолаверса товуқларни тухумини вазни уларни ёши билан ҳам боғланган.

Бизда урчитилаётган товуқлардан олинган тухум ва хар бирини оғирлигини аниқлаш билан биргаликда товуқ бошига олинган тухум массасини ҳам тахлил қилиб чиқдик. Бу тўғрида олинган маълумотлар 14-жадвалда акс эттирилган.

Жадвал-14

Родонит-3 кросси товуқларидан ишлаб чиқилган тухумларни массаси
(жами тухум ҳисобига)

Товуқлар ёши хафтада	Олинган тухум сони		Умумий тухум массаси	
	ота-она галаси	саноат галаси	она-она галаси	саноат галаси
20	13,0	14,0	695,5	763,0
24	14,0	14,5	777,0	819,3
28	19,0	19,5	1147,6	1199,3
32	23,1	23,8	1420,6	1463,7
36	26,4	26,0	1636,8	1638,0
40	25,0	25,0	1575,0	1585,0
44	24,4	24,0	1586,0	15696
48	23,4	23,0	1544,4	1529,5
жами	168,3	169,8	10114,8	10340,8

Жадвалдаги маълумотларга асосланиб қайд этамизки ўраганилган муддатлар бир саноат галасидан 169,8 дона она галасида эса 168,3 дона тухум олинган ва унинг умумий массаси тегишли равишда 10114,8 ва 10340,8 граммни ташкил этади. Саноат галасини тухум массаси сифатли бўлиб одамларни озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда муҳим ўрин тутди.

Ота-она галаси товукларини тухуми инкубатцион сифати ўрганилди ва кайд этамизки улар йирик, ўрта ва майда тоифаларга бўлинди йирик тоифага 56-57 граммдан ошган, ўрта тоифага 53-55 граммга тенг бўлган ва 52-47 граммга тенг бўлган тухумлар майда тоифага киритилди.

Икубацион тухумлар фоиз хисобида қуйдагиларга бўлинди йирик – 25-305, ўрта – 70-75%, майда 5 фоизга тенг бўлган.

Бу кўрсаткичлар қаторида саноат галаси товукларидан олинган тухумлар пархезли ва истеъмолга яроқли эканлиги аниқланди тухумларни оғирлиги бўйича оғирлиги 44 граммдан паст бўлмаган ва 7 кундан ошиқ сақламаган тухумлар пархезли бўлиб хисобланади ва буларни миқдори 80 фоизни ташкил этди. 20 фоиз олинган тухумлар эса ошхона истеъмолига киритилди (пишевой) ва бунда улар оғирлиги бўйича 1 ва 2 тоифаларга киритилди.

1-тоифадаги пўстлоғи тоза, яхлит, чизилмаган, синмаган хажми 54 граммдан кам бўлмаган тухумлар киритилди буларни миқдорини 80 фоиз айнан биринчи тоифага мос бўлган. 2-тоифага оғирлиги 44 граммдан кам бўлмаган пўстлоғи тоза, синмаган, чизилмаган булар миқдори 20 фоизга тенг бўлган.

Тухумларни сонини сифатини ўрганиб чиқиб таъкидлаймизки бу хусусиятлар жуда кўп омилларга боғлиқ. Шу боисдан тухум етиштиришда уларга катта эътибор берилишини талаб этади.

Тухум ишлаб чиқариш билан биргаликда озуқа қопловини ҳам ўрганишга ёндошдик ва бу тўғридаги маълумотлар 15-жадвалда келтирилган.

Родонит-3 кросси товукларини озуқа сарфини қоплови

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Ота-она галаси	Саноат галаси
Жами товук сони	бош	50	50
Тажриба даврида	дона	168,3	169,8
1 бошдан олинган тухум	дона	8415,0	8490,0
Тажриба даврида умумий бошдан олинган тухум сони	г	120	120
Бир кунлик озуқа сарфи	г	6720	6720
Жами озуқа сарфи 10 дона тухумга сарфланган озуқа	г	399,3	395,7
1 кг тухум массасига	г	664,4	649,8

Жадвалдан кўринадикки бир кг тухум массасини ишлаб чиқариш учун ота-она галасида 664,4 г; саноат галасида эса 649,8 г озуқа сарфланган бунда хар 10 дона тухум ишлаб чиқаришга тегишли равишда 399,3-395,7 грамм озуқа сарфланган.

4.2.4.Родонит-3 кросси товукларини тирик вазни ва гўшт махсулдорлиги.

Қишлоқ хўжалик паррандаларини танасини катта ёки кичик бўлиши бевосита махсулот беришини ифодалайди. Шу босидан бу кўрсаткичларни ўрганишни тақазо этади. Кўп олимларни таъкидлашга кўра тирик вазн паррандаларни тана тузилишига ҳам боғлиқ.

Биобарин товукларни экстерери мутаносиб тузилган, патлари зич ва ялтироқ бўлса уларни бақувват, харакатчан, соғлом бўлишини ифодалайди. Демак экстерер паррандаларни танлаш, саралашда йўналтирилган ҳолда ривожланишини бошқариш, ҳамда махсулот ишлаб чиқаришини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Бу хусусиятларни ўрганишда биз Родонит-3 кросси товукларини экстерерини учга ажратиб таҳлил этиб чиқдик. 1-гурухга танасини ривож, катталиги ҳамда пат билан қопланиш ва зичлик аъло даражаси бўлган товуклар киритилди ва уларнинг миқдори деярли даражада 45-46 фоизга тенг бўлди. Яхши ҳолатда бўлган товуклар миқдори эса 45-50 фоизни ташкил этган, қолган 5-10 фоиз товукларни танаси ўрта даражада ривожланганини кўрсатиб ўтиш зарур.

Товукларни экстерерини кузатув натижаларидан келиб чиқиб таъкидлаш зарурки паррандаларни экстерери доимий эмас ва ирсий, озуқаланиш, сақланиш асраш ҳамда мавсумга биноан ўзгариб боради. Шу боисдан бу хусусиятларни тегишли равишда таҳлил қилишга ёндошдик ва натижада тўпланган маълумотлар 16-жадвалда баён эттирганмиз.

Родонит-3 кросси товукларини тана ўлчамлари ва индекслари

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Она товуклар галаси		Саноат товуклар галаси	
		Ёши ҳафтада		Ёши ҳафтада	
		21	40	21	40
Тана узунлиги	см	15,5	18,2	15,2	18,1
Товон узунлиги	см	11,2	13,5	10,9	13,4
Тиза узунлиги	см	15,0	15,9	14,8	15,2
Қил узунлиги	см	12,8	15,9	12,6	15,7
Кўкрак чуқурлиги	см	7,5	8,5	7,3	8,3
Тос кенглиги	см	9,1	10,9	8,9	11,4
Тўлишканлик	%	108,4	108,9	108,0	108,4
Қия узунлиги	%	71,6	87,4	81,4	87,2
Кенг кўкраклилик	%	58,5	59,9	57,5	59,4
Товон узунлиги	%	72,3	74,2	72,2	74,1
Тирик вазн	г	1670,0	1980,0	1665,0	1970,0

Жадвалдаги маълумотлардан келиб чиқиб таъкидлаймизки Родонит-3 кросси ва саноат галаси товуклари яхши тана ўлчам ва индекслари билан характерланади. Бу кўрсаткичларни тахлили кўрсатадики товукларн ёши ошган сари экстеърер кўрсаткичлари ва уларни индекслари жадал ўсиб борган, лекин 40 хафталик ёшидан сўнги даражада бу жадалик йўқолиб текис ўтиши кузатилган.

Ўрганилган галалар орасида деярли фарқ бўлмасада ота-она товуклар галаси ўз тенгқурларидан бироз устун турган. Умуман олганда тахлил этилган кўрсаткичлар олдин жадал сўнг эса сусайиб ўтиши билан фарқланади ва тухум йўналишидаги товуклар андозасига мувофиқдир.

Паррандаларни танасини кичик ёки катталигини аниқлашда уларни тирик вазн динамикаси муҳим бўлиб ҳисобланади ва барча паррандаларни ўсиш, ривожланишини белгилашда бу кўрсаткични ўрганишни тақозо этади. Бинобарин амалиёт кузатувчиларига асосланиб қайд этиш зарурки товукларни вазни катта бўлса уларни танаси ҳам йирик бўлади, вазни кичкина бўлганда эса танаси ҳам кичик бўлади. Қолаверса уларни тухумини оғирлиги айнан шу хусусиятларига боғлиқ.

Бу хусусиятларга таянган ҳолда Янгийўл паррандачилик жамияти шароитида урчитилаётган Родонит-3 кросси товукларини тирик вазнини ўрганиб чиқдик ва бу тўғрисидаги маълумотларни 17-жадвалда баён этирганмиз.

Янгийўл паррандачилик корхонаси шароитида урчитилаётган Родонит-3 кросси товуқларини тирик вазн динамикаси

Товуқлар ёши хафта	Товуқлар галаси							
	Она товуқлар галаси				Саноат товуқлар галаси			
	тирик вазн г	мутлоқ ўсиш г	суткалик ўсиши г	нисбий ўсиши %	тирик вазн г	мутлоқ ўсиш г	суткалик ўсиши г	нисбий ўсиши %
1 кунлик	36,0	-	-	-	35,0	-	-	-
4 хафталик	300,0	264,0	8,8	157,14	295,0	260,0	8,67	157,57
8	680,0	380,0	12,67	77,55	675,0	380,0	12,67	78,36
12	1100,0	430,0	14,33	48,05	1100,0	425,0	14,17	47,89
16	1415,0	305,0	10,2	24,2	1410	310,0	10,33	24,7
20	1615,0	200,0	6,7	13,2	1610,0	200,0	6,67	13,2
24	1825,0	210,0	7,0	12,2	1790,0	180,0	6,0	10,6
28	1875,0	50,0	1,67	2,40	1845,0	55,0	1,83	3,03
32	1890,0	15,0	0,5	0,79	1865,0	20,0	0,67	1,08
36	1900,0	10,0	0,3	0,53	1870,0	5,0	0,17	0,27
40	1910,0	10,0	0,3	0,52	1875,0	5,0	0,17	0,26
44	1990	10,0	0,3	0,33	1890	15,0	0,5	0,3
48	2000	10,0	0,3	0,33	1905	15,0	0,5	0,3

Жадвалдаги маълумотлар кўрсатадики она ва саноат галаси товукларини тирик вазни бир-биридан кескин фарқ этмаган. Лекин қиёслаганда бу кўрсаткич она товукларини саноат галасини товукларидан устун туришини қайд этиш мумкин.

Тирик вазн динамикасини тахлилидан келиб чиқиб тақидлаймизки иккала галадаги товукларни тирик вазн ўсиши ўн олти хафталик ёшига қадар жадал кечади.

Биобарин бунда 4 хафталик ёшида уларни муҳим вазни 260-300 граммга етиб боради. Суткалик ўсиши 8,67-8,8 граммни ташкил этади. Ижобий ўсиш энг баланд бўлиб 157,57-157,14 фоизни ташкил этади. Демак Родонит-3 кросси товуклари айнан бу даврда ўзини тирик вазнини 8-10 баравар оширганини айтиш зарур. Саккиз хафталик ёшига келганда ҳам бундай жадаллик сақланиб қолган ва уларни галаларини вазни 387 граммга оширилган ва суткалик ўсиб боргани 1267 граммни ташкил этган, нисбий ўсиши эса дастлабки 4 ойлигига кўра икки баробар камайиб 78,35-77,55 фоизни ташкил этгани кўринади.

Ўн икки хафталик ёшида уларни тирик вазни 1110-1100 граммни мутлоқ ўсиши эса юқори бўлган ва 430425 граммни ташкил этади, бунда товукларни суткалик тирик вазнини суткалик ўсиши эса жуда юқори холда келган ва 14,33-14,77 граммга тенг бўлган. Нисбий ўсиши эса 48 эса 48,05-47,89 фоизга тенг бўлди.

Бу хусусият 16 хафталик ёшига келганда мутлоқ ўсиши 305-310 граммни ташкил этади суткалик ўсиши эса 10,16-10,33 граммга, нисбий ўсиши 24,15-24,17 фоизни ташкил этган.

20-хафталик ёшига қадар товуклар галаси орасида тирик вазн ўзгариши бўйича саноат галаси товуклари галасидан устунлик қилади. Бу устунлик бизнинг фикримизга кўра ирсий хусусият бўлиб уларни тез етилиши билан

ифодаланади, гохида улар тухумга киради, она товуклари эса бунда бироз кеч келиши етилувчанлиги билан боғлиқ.

24 хафталигида хам тирик вазн ўсиб бориши сифати пасаймаган холда кечкан ва бунда мутлоқ ўсиш ва товуклар галсида 210, саноат галасида эса 180 граммга тенг бўлган. Суткалик ўсиш хам тегишли равишда 7 ва 6 граммни ташкил этган, нисбий ўсиш эса 12,2-10,6 фоизга тенг кечган.

28 хафтадан товукларни вазн ўсиши анча сусайиб борган ва тегишли равишда мутлоқ ўсиши 50-55 грамм суткалик ўсиши 1,67-1,83 грамм нисбий ўсиши эса 2,7-3,03 фоизни ташкил этади.

Товукларни тирик вазн ўзгариши кейинги даврда хам давом этган 32 хафталигида бу кўрсаткич тегишли равишда 1890-1865 грамм мутлоқ ўсиш 15-20 грамм; суткалик ўсиш 0,5-0,67 нисбий ўсиш эса 0,79-1,08 фоизни ташкил этган.

36-40 хафталик ёшига келиб товукларни тирик вазни тегишли равишда 1800-1870 грамм, мутлоқ ўсиш 10-5; суткалик ўсиш эса 0,3-0,17 граммга тенг, нисбий ўсиш 0,52-0,26 фоизни ташкил этган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки товуклар орасида ўрганилган кўрсаткичлар бўйича фарқ мавжуд эмас, лекин инкубацион тухум ишлаб чиқариш салгина кечиктирилганлиги сабабли ота-она товуклар саноат галасидаги тенгқурларидан бир оз устунлик қилган ва бу хусусият табиий хол бўлиб ҳисобданади.

Янгийўл паррандачилик фабрикасида Родонит-3 кросситовукларидан нафақат пархезли ва сифатли гўшт маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қондириш учун ёш паррандалар ишлаб чиқариш галасига ўтказилган даврида (18 хафталик) товуклар ва шунингдек ишлатилишини охирги даврида (72 хафталик ёши) бу паррандалардан гўшт ишлаб чиқаришда фойдаланилган. Барча гўштга сўйиш учун топширилган паррандалар хўжаликни ўзидаги

технологик жараёнлари асосида сўйилган ва гўшт етиштирилган. Бу кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотлар 18-жадвалда баён этирилган.

Жадвал-18

Янгийўл паррандачилик фабрикасидаги Родонит-3 кроссли товуқларидан гўшт етиштириш.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Товуқлар йши	
		18 хафта	72 хафта
Назорат сўймидаги парранда сони	бош	5	5
Сўйшидан олдинги тирик вазни	кг	1,24±3,8	2,05±4,6
Ярим тозаланган нимта	кг	1,02±1,9	1,71±2,8
Тўлиқ тозаланган нимта	кг	0,82±1,82	1,39±2,4
Ярим тозаланган нимта чиқими	%	82,1	83,2
Тўлиқ тозаланган нимта чиқими	%	66,5	68,0

Жадвалдан кўринадики 5 бошдан (18 ва 72 хафталик) паррандаларда назорат сўйим ўтказилган. 18 хафталик паррандаларни сўйишдан олдинги тирик вазни 1,24 кг, 72 хафталикларида эса 2,05 кг ташкил этган. Бунда катта товуқлар (72 хафта) ёш тенгқурларидан 0,81 кг устун бўлган. Шунда ёш товуқлардан 1,02 кг ярим тозаланган ва 0,82 кг тўлиқ тозаланган нимта гўшт олинган. Бу кўрсаткич 72 хафталик товуқларда тегишли равишда 1,71 ва 1,39 кг ташкил этган. Нимта гўштни чиқими ёш товуқларда ярим тозаланган 82,1 фоиз тўлиқ тозаланган эса 66,5 фоизни ташкил этган. Катта ёшли товуқларда бу кўрсаткич тегишли равишда 83,2 ва 68,0 фоизга тенг бўлди. Гўштдорлик кўрсаткичлари бўйича катта ёшдаги паррандалар ёш тенгқурларидан нимталарини оғирлиги бўйича 0,69 кг ва 0,57 кг чиқими бўйича эса 1,2 ва 1,5 фоизга фарқ этган.

Олинган натижаларга асосан таъкидлаймизки Янгийўл паррандачилик фабрикасида Родонит-3 кросси товуқлари юқори гўшт маҳсулдорлиги билан характерланади. Барча ишлаб чиқарилган гўшт ўзининг семизлиги ва сифати

бўйича 1 ва 2 категорияларга бўлинди. Шундан етиштирилган гўштнинг 85 фоизи 1 категорияга ва 15 фоизи эса 2 категорияга киритилган.

Хулоса шундан иборатки Родонит-3 кросси товукларидан етиштирилган гўшт парранда гўштига қўйилган андоза талаби даражасидадир. Шунинг учун ишлаб чиқарилишини янада такомиллаштириб миқдорини оширишни тақозо этади.

V. Янгийўл паррандачилик фабрикасида Родонит-3 кросси товукларидан маҳсулот ишлаб чиқарилишини самарадорлиги.

Барча қишлоқ хўжалик ҳайвонларини ва шу жумладан паррандаларни асраш, боқиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлар билан характерланади. Шулар қаторида бу маҳсулотларни сотиб олинган даромади улар орасидаги фарқ билан ифодаланади. Шуларни инобатга олиб Янгийўл паррандачилик хўжалигида Родонит-3 кросси товукларини урчитиб маҳсулот етиштиришни самарадорлигини ўрганишга ёндошдик бу тўғрисидаги маълумотлар 19-жадвалда баён этилган.

Жадвал-19

Родонит-3 кросси товукларини урчилишини самарадорлиги.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Тухум	Гўшт
Ҳисобга олинган парранда сони	бош	50	50
Ҳар бош товукдан олинган маҳсулот	дона/г	169,8	1361,5
Жами ишлаб чиқарилган маҳсулот	дона/кг	8490	68,075
Бир кўрсаткич маҳсулотни тан нарҳи	сўм	180	6500
Ялпи маҳсулотни сотиш нарҳи	минг сўм	1528,2	442,49
Ҳар бир маҳсулотни сотиш нарҳи	сўм	280	8700
Сотишдан олинган ялпи даромад	минг сўм	2377,2	592,25
Соф фойда	минг сўм	849,0	149,76
Рентабеллик даражаси	%	55,5	33,85

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадикки Янгийўлда урчитилаётган товук бошидан ҳисобот даврида 169,8 дона тухум ва 1361,5 грамм гўшт етиштирилган.

Бу маҳсулотларни хўжаликда ишлаб чиқариш таннарҳи 1528,2 ва 442,49 минг сўмни ташкил этган. Хўжалик тухум сотишдан 2377,2 минг сўм гўшт сотишдан 592,25 минг сўм даромад кўрган. Тухумдан олинган соф фойда эса 849 минг сўмни, гўшдан 149,76 минг сўмни ташкил этган.

Ҳисобга олинган парранда сонидан Янгийўлда уларни урчитилишини рентабеллик даражаси анча баланд бўлган. Тухумни рентабеллиги 55,5 фоизни гўшт ишлаб чиқарилиши эса 33,85 фоизни ташкил этган.

VI.Хулоса

Янгийўл паррандачилик фабрикасида Родонит-3 кросси товукларини урчитиш ва маҳсулот етиштириш тахлилига асосланиб қуйидаги хулосаларга келинди.

1. Янгийўл паррандачилик фабрикаси шароитида урчилиб тухум ва гўшт етиштиришда фойдаланган Родонит-3 кросси товуклари серпушт ва шароитга кўниккан.
2. Родонит-3 кросси товуклари Янгийўл паррандачилик фабрикасида ёш даврида жўжа боқиладиган, катта ёшда эса товукхоналарда асралган.
3. Товук хоналари КБУ-3 катакли батареялар билан жиҳозланган ва товукларни асраш учун сувдан, емдан, меёрий даражада таъминланган.
4. Жўжа ва товук хоналардаги ҳаво ҳарорати кун ёруғлиги, унинг давомийлиги ва шунингдек ҳаво алмашинув ҳамда намдорлиги андоза талабларига мос ҳолда бўлган ва махсус мослама ҳамда жиҳозлар билан бошқарилган.
5. Фабрикада Родонит-3 кросси товукларини озиклантириш уч даврга бўлинган ва бу даврлар айнан уларни физиологик хусусиятлари асосида бўлинган. Барча даврдаги рационлар ўзининг тўйимлиги бўйича товукларни талабига мос холдадир.
6. Янгийўл паррандачилик фабрикаси шароитида Родонит-3 кросси 20 ҳафталигидан бошлаб тухумга кирган ва тухум бериш жадаллиги билан ҳарактерланади. 50 фоиз тухум бериши 22-23 ҳафталигида, 70 фоиз 24 ҳафталигида, 90 фоиз тухум бериши 28-36 ҳафталарда намоён бўлган.
7. Тухум бериши хусусиятлари дастлабки кунларида кам бўлиб бир ойига 13-18 донани ташкил этган ёши ошган сари тезлиги ошиб борган ва бир ойига ўрта ҳисобда 26 дон тухум беришни ташкил этган.

8. Тухум бериши то 44 хафталик ёшигача ошиб борган, ундан сўнг эса секинлик билан пасайиб бориши кузатилган.
9. Товуқларни тухумини ҳажми эса аксинча бўлган ёши ошган сари бу кўрсаткич ошиб борган ўрта ҳисобда фабрикада бир тухумнинг оғирлиги 60-64 граммни ташкил этган.
10. Янгийўл паррандачилик фабрикаси шароитида кузатилган даврида товуқ бошидан 168,3 (она галадан), 169,8 (саноат галасидан) тухум олинган.
11. Янгийўл паррандачилик фабрикасида бу товуқлар шароитга яхши мослашган ва кўникиб чидамлилиги ва сақланувчанлиги юқори (96 %) эканлиги билан характерланади.
12. Родонит-3 кросси товуқларини тирик вазни жуда ўзгарувчан дастлабки кунларида 35-36 грамм, бўлса фойдаланиш ва тухумга кириш ёшида 1615-1610 граммни, 44-48 хафталигида эса 1905-2000 граммни ташкил этади.
13. Бу товуқлар фабрикада 18 ва 72 хафта ёшида гўштга сўйилган ва улардан тегишли равишда 1,02-1,71 кг сифатли ярим тозаланган ва 0,82-1,39 кг тўлиқ тозаланган нимта гўшти олинган. Гўшт чиқими ёш товуқларда тегишли равишда 82,1 ва 66,5 фоизни катта товуқларда эса 83,2 ва 68,0 фоизни ташкил этган.
14. Родонит-3 кросси товуқларини асраш ва боқиш юқори кўрсаткичлар билан характерланади. Бинобарин 1 кг ўсишига 664-649 ва 10 дона тухумга 399-395 грамм озуқа сарфланган.
15. Янгийўл паррандачилик фабрикасида Родонит-3 кросси товуқларидан тухум ишлаб (тажриба даврида) чиқаришдан (50 бош ҳисобида). 849 минг сўм соф фойда гўшт ишлаб чиқаришда эса 149,76 минг сўм соф фойда олинган. Маҳсулот ишлаб чиқаришини самарадорлик даражаси тухумдан 55,5 фоиз гўшtdан 33,85 фоизни ташкил этган.

VII.Тавсия

Кузатув натижаларидан келиб чиқиб ишлаб чиқаришга қуйидаги тавсияларни қўллашни таклиф этамиз.

1. Фабрикада ишлаб чиқарилган озуқалар тўйимлигини оширишда илғор тажрибаларни қўллаш.
2. Фабрикада хўжалик натижасидан ортган товукларни (бир кунлик ва тухумга кириш ёшида) сотилишини янада кенгайтириб аҳоли хонадонларини талабини қондириш.
3. Янгийўл паррандачилик фабрикасида Родонит-3 кросси товукларидан тухум ва гўшт ишлаб чиқаришини янада кенгайтириш ва таннарҳини пасайтириш.

VIII. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тўкин ҳаёт манбаи. Ўзбекистон тараққиёт йўлида, 1988 й.
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент 2009.
3. Агиев В.Н., Квиткин Ю.Г., Панков П.Н., Синцерова О.Д. Кормление сельскохозяйственных птиц. М. “Колос” 1982 (272-273)
4. Алиев М.Ш. “Новая линия белых леггорнов Свисокой массой яйцо”. Ж. “Зоотехния” 2003 №6 (10-11)
5. Алиев И., Ильяков А.Т. ва бошқалар Хлопковый шрот для бройлеров. Ж. “Птицеводство” 1990. №11 (14-16).
6. Азимов С.Г., Алимов Х.Қ., Селекция кур при разведении по микролиниям кросса. “Ўзбекистан” тез.докладов научной конференции по птицеводству “Барки” 2001 (10-13).
7. Азимов С.Г., Шалазов И. Паррандаларни мувозанатлантирилган омукта емлар билан боқишни “Ўзбекистон” кросси товукларини тухумдорлигига таъсири. тез.докл. Международной конференции. Аграр фан ютуқлари ва истиқболлари. ТошДАУ 1-2 май 2002 (164).
8. Азимов Д.С., Шамсутдинов А., Обоғшение Заводская комбикормов для молодняка кур кросса “Узбекистан” тез.докл. международной конференции. Аграр фан ютуқлари ТошДАУ Тошкент 2002 (154).
9. Аръков А.А., Муртазаев Р.Н. “Эффективность комбикорма с использованием нетрадиционных кормов при откорме циплят бройлеров” Ж. “Птицеводство” 1991 №2.
10. Борисенко Е.Я. Разведение сельскохозяйственных животных М. “Сельхозгиз” 1967 (250-257).
11. Воронов В., Едришева В., Барсукова М. Работаем с кроссом “Гибро” Ж. “Птицеводство” 1991 №8 (6-7).

- 12.Воронов В., Шогенов А. Оценка птицы с учетом условий внешней среды Ж. “Птицеводство” 2003 №2 (13).
- 13.Горин В., Принципы генетической стабилизация линий в птицеводстве “Генетические и физиологические основы повышения продуктивности сельскохозяйственных животных” М. Тр ВСХИЗО вып 157. 1980 (16-124).
- 14.Давидов В., Мальцев А., Мальсцева Н., С природонов и крупные бройлеры кросса “Сибиряк” Ж. “Птицеводство” 2002 №2 (17).
- 15.Дарвин Чарлз Изменение домашних животных и растений сочинения Т.Ш изд. Анссер Москва-Ленинград 1951 (747).
- 16.Девнговда Д., Мальти Г., Фори А. “Влияние селко – РН на сальмонеллу и компило бактерии в зобе бройлеров” Ж. “Птицеводство” 2003 №7.
- 17.Дуюнова Р.Г. ,Ислярова Г.Я., Високопродуктивный кросс птица М. “Агропромиздат” 1989 (34-35).
- 18.Егоров И., Поньков П., Рязанов Б. “Биомин в кормлении бройлеров” Ж. “Птицеводство” 2003 №7.
- 19.Езерская А., Захаров С., Тарасов Н., Препороти лизина в кормах для бройлеров Ж. “Птицеводство” 2002 №2 (26).
- 20.Имбс Б.Г. Направленное выращивание молодиянка сельскохозяйственных животных. Ставрополь “Сельхозгиз” 1955 (45-50).
- 21.Иоцюз Г.П., Старчиков Н.Н. “Птицеводство” М. “Агропромиздат” 1989 (160-168).
- 22.Карибаев К.К. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини тўла қийматли ем-хашак билан озиклантириш ва озукаларни тайёрлаш ҳамда сақлаш технологияси. Тошкент “Фан-Ўқитувчи” 1996 С 217-218.
- 23.Кочин И.И., Рязанов И.Г. Пути реализация генетического потенциала промышленных кроссов кур тез.докл.науч конференции по птицеводства “Борси” 2001 (90-94).
- 24.Кулешов П.Н. Научное и практические основы подбора племенных животных М., “Агропромиздат” 1960 (35).

- 25.Ленский Б.Л. Начальные этапы создания Заравшанской народной группы кур. Автореферат кон. диссертации Кировобод 1966 (5-12; 16-19).
- 26.Мирзалиев Ю. Эффективное выращивание бройлеров. Ж. “Сельское хозяйство Узбекистана” 1971 №3 (28-29).
- 27.Мяшкаускас Ч. Экспериментальный кросс мясных кур науч.тр прибалт Зоос вильное 1990 №13 (18-22).
- 28.Молов И. Эффективность выращивания птицы на мясо в клетках Ж. “Птицеводство” (1985) №10 (8).
- 29.Микулянец Ю.И. Влияние витамина А на цыплят бройлеров при повышенном содержании железа в рационе Ж. “зоотехния” 2002 №8 (17).
- 30.Наумова Л. Совершенствование линий кур яичных кроссов первый науч. произ опыт в птицеводство эксс. иннок. Загароск. 1987 №9 (4-6)
- 31.Плохинский Н.А. Руководство по юиометрии для зоотехников “Колос” 1969 (15-75).
- 32.Павлов И.П. Полное собрание сочинений Том.3 книга М.1951 (50-80; 110-120).
- 33.Палагнюк Б. Повышаем качество родительского стада бройлеров. Ж. “Птицеводство” 1983 (19-20).
- 34.Петров С.Г. Методика селекционной работы с птицей Селекция и генетика птиц Вип-2 М. “Сельхозгиз” 1939 (115-118).
- 35.Пигарев Н.В. Световой режим для ремонтных молодок сбор. Науч. работ молодых ученых Вип. 7 М. 1964 (107-109).
- 36.Попов И.С, Кормление сельскохозяйственных животных М. “Колос” 1965 (105-115).
- 37.Родченко И., Яченко В., Мочильда Н. Что дает клеточное содержание племенной птицы Ж. “Птицеводство” 1985 №10 (13).
- 38.Рыбина Е.В., Стандартный хлопковый шрот полноценный белковый компонент птичьих комбикормов Ж. “Птицеводство” 1977 (19-21).

39. Рыбина Е.В. Арипжанов З., Мирзалиев Ю. Рекомендация по кормлению кур в условиях жаркого климата Ташкент науч. тр 1990 (3-10).
40. Садамов Н.С. Резистентность циплет бройлеров при включении в рацион витамин А Ж. "Зоотехния" 2002 №7 (25).
41. Саидакбаров А.Н. Некоторые зоотехнические показатели выращивания бройлеров на рационах с применением хлопкового шрота материалъ все сопозного науч.практические совешения по птицеводству-М. 1971 (253).
42. Свиридова С.Н. ва бошқалар Високо продуктивние кросси и линии яичних кур М. "Агропромиздат" 1989 (4-5)
43. Сметнев И.С. "Птицеводство" М "Роммельхозиздат" 1979 (83-84).